

УЎК: 801.82

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ МАВЗУЛАРИНИ ЯПОН ТИЛИ АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИДА ЁРИТИШ АМАЛИЁТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14413212>

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
Шарқ тиллари кафедрасининг ўқитувчиси,  
ЛСА кўнгиллиги **Аяко Бешшё**  
Камта ўқитувчиси, PhD **Азиза Халилова**  
[ayako@a-word.com](mailto:ayako@a-word.com), [axalilova@iwed.uz](mailto:axalilova@iwed.uz)

### АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада барқарор ривожланиши мақсадларини (БРМ) япон тили амалий машгулотларига жорий этиши тажрибаси ҳақида сўз боради. Бу мавзудаги тақдимотлар орқали талабалар БРМга бўлган тушунчаларини чуқурлаштириши билан бирга, “ўқиш, ёзиш, тинглаш ва гапириши” каби тўртта асосий кўникмаларни ривожлантириши ҳамда амалиётдаги япон тили билимларини оширишига йўналтирилган усуллар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** барқарор ривожланиши мақсадлари, япон тили, тақдимот, нутқ, атроф-муҳит муаммолари, чиқиндиларни саралаши, чиқиндиларни қайта ишилаши

### АННОТАЦИЯ

В этой статье рассматривается попытка интегрировать цели устойчивого развития (ЦУР) в практические занятия по японскому языку. Через презентации на эту тему углубляется понимание ЦУР, а также улучшаются практические навыки японского языка, развивая четыре основные навыка: "чтение, письмо, аудирование и говорение".

**Ключевые слова:** цели устойчивого развития, японский язык, презентация, речь, экологические проблемы, сортировка отходов, переработка отходов.

### ABSTRACT

*This article discusses the attempt to incorporate the Sustainable Development Goals (SDGs) into Japanese language practice lessons. Through presentations on this theme, it deepens students' understanding of the SDGs while simultaneously improving their practical Japanese skills by developing the four basic skills of "reading, writing, listening, and speaking."*

**Kew words:** sustainable development goals, Japanese language, presentation, speech, environment problems, waste sorting, waste recycling

Бугун бутун дунё нигоҳи иқлими ўзгариши, унинг қанчалик глобал муаммога айланиб бораётганлиги ва иқлимини ўзгариши туфайли келиб чиқаётган масалаларга қаратилган. Иқлим ўзгариши туфайли юзага чиқаётган экология муаммолари бутун дунё бўйлаб долзарб тус олаётган бир пайтда, Ўзбекистон учун ҳам муҳим масалалардан бирига айланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бос Ассамблеясининг 2015-йил сентябрь ойида БМТнинг Барқарор ривожланиш саммитида қабул қилинган 70-сонли резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030-йилгача бўлган даврда БМТнинг Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини (кейинги ўринларда – БРМ) изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018-йил 20-октабрда 2030-йилгача бўлган давр учун 16та Барқарор ривожланиш миллий мақсадлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган 125та вазифалар тасдиқланган<sup>1</sup>.

Мазкур мақолада барқарор ривожланиш мақсадларини япон тили амалий машғулотларига ёритиш тажрибаси ва талабаларнинг муносабати ҳақида сўз боради. Япон тили дарсларида атроф-муҳит масалаларини мухокама қилишининг бир нечта мақсадлари мавжуд. Албатта биринчи бу БРМнинг мазмуни ва моҳиятини чуқурроқ англаш. Баъзи талабалар БРМ сўзини аллақачон эшлишишган бўлсада, бироқ унинг асл мазмунини дарсларда мавзуни мустақил равишда тадқиқ қилиш орқали чуқурроқ тушунишлари мумкин. Албатта япон тилида нутқ сўзлаш орқали биз талабаларнинг “ўқищ, ёзиш, тинглаш, гапириш” каби асосий тўрт кўнилмаларини ҳар томонлама ривожлантиришга харакат қиласиз. Одатий дарсларда талабалар ўта фаол бўлмасликлари мумкин, тақдимот методи бизга фаол, жонланган япон тили дарсини ташкил этишга ёрдам беради. Талабаларнинг мавзуга оид дидактик материалларни, интерфаол топшириқларни тақдимот, лойиҳаларда тайёрлашларни машғулотларнинг қизиқарли кечиши учун имконият яратади.

Амалий машғулот аудиторияси 3 курс талабалари бўлиб, таҳминан 25 кишидан иборат. Дарсни амалга ошириш жараёнида, талабалар “Ўзбекистон ва Япониянинг атроф-муҳит масалаларига ёндашувларидағи фарқлар” мавзусида, хусусан, атроф-муҳит муаммоларидан бири барча учун таниш ва бирдек муҳим бўлган тадқиқот материаллари чиқиндилар ташлаш, ажратиш ва қайта ишлаш мавзусини тадқиқ қилдилар. Бу эса ўз навбатида БРМнинг 12-мақсади “Масъулиятли истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш”, 13-мақсад “Иқлим ўзгаришларига қарши кураш”ни ўрганиш талабалар учун ҳам билим ва ажойиб

<sup>1</sup> <https://brmnnt.uz/>

имконият бўлди. Талабалар Японияда чиқиндиларни саралаш усуллари ва қайта ишлаш жараёнларини мустақил равишда тадқиқ қилиб тақдим этдилар.

Кейинги босқичда япониялик ўқитувчи Аяко Бешшё Японияда чиқиндини ажратиб ташлаш ва қайта ишлаш жараёни, Япония фуқароси сифатида ўз тажрибаси, чиқинди ажратиш усуллари ва йирик япон компанияларининг бу борада қилаётган ҳаракатлари ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг талабалар билан суҳбатлашиб, чиқинди ажратиш бўйича амалий тажриба амалга оширилди.

Энди дарни амалга оширилиш амалиёти ҳақида тўхталиб ўтсак. Биринчи қадам, талабаларнинг тақдимотлари. Талабалар чиқинди ташлаш ва қайта ишлаш бўйича ўзлари мустақил изланиб тақдимот тайёрладилар. Мисол учун чиқинди ташлаш тартиби, чиқинди турлари, чиқинди турига қараб ташлаш қоидалари ва ҳоказолар. Ҳаттоқи талабалар тақдимотда бўлишган “ZERO WASTE TOWN” яъни чиқиндиларсиз шахар ҳақидаги маълумот барча учун янгилик бўлди. Бунда кун чиқар мамлакатнинг кичик шахарида чиқиндиларни 45 турга ажратилиб, 80% қайта ишланиши маълум бўлди. Бу маълумот япон ўқитувчиси учун ҳам янгилик эди. Талабаларнинг лойиҳалар тайёрлашда YouTube каби турли тармоқлардан бундай қизиқарли маълумотни излаши ва қўллаши ҳам тақдимот тайёрлашдаги маҳорат десак муболага бўлмайди.

Шундан сўнг ўқитувчи Японияда қўлланиладиган ахлатни ажратиш ва қайта ишлашнинг аниқ мисолларини тақдим этди ва уни мисоллар ёрдамида очиб берди. Масалан пластик сув идишидан қопқоқ ва ёрлиқни олиб ташлаб, ичини ювиб ва шундан кейин уни ташлаш кераклигини амалда кўрсатиб берди. Ўз ўрнида Япония супермаркетларида жорий қилинган пластик сув идишларини қабул қилиш автоматлари тажрибаси билан бўлишиб, бу каби автоматлар нафақат чиқинди миқдорини камайтириш балки компанияларнинг имиджини ошириш учун ҳам хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Сўнгра дарснинг муҳокама қисмига ўтилди. Айтиш жоизки, талабаларнинг мавзуга бўлган қизиқиши ва муносабати юқори бўлиб, «Япония университетлар худудида ҳам чиқиндилар саралаб ташланадими?», «Агар чиқиндилар саралаб ташланмаса нима бўлади, жарима мавжудми?», Япония ҳукумати чиқиндиларнинг неча фоизини қайти ишлайди?» каби саволлар берилди.

Мавзу муҳокамасидан сўнг, талабалар билан амалий тажриба бажарилди. Бунда талабалардан «Хаши» яъни таом учун мўлжалланган таёқчалар тўпламини чиқиндига ташлаш амалиётини кўрсатиб бериш сўралди. Берилган таёқчалар тўпламини чиқиндига ажратишда талабалар тўплам ўралган селофан пакетини пластик чиқинди турига, унинг ичидаги қоғоз ёрлигини қайта ишланадиган қағоз чиқиндилари турига ажратиб кўрсатдилар. Албатта

таёқчаларни талабалар ёндириладиган чиқинди категориясига ажатиши, албатта бу тўғри эди. Бироқ бу каби таёқчалар узок муддат фойдаланиш мумкин бўлган сифатди маҳсулотдан тайёрланганлиги ва уни ювиб бир неча бор ишлатиш мумкинлиги уларни ўйлантириб қўйди. Бугун японлар орасида «менинг таёқчам» яъни овқат учун мўлжалланган хашиларни ташқариға овқатланишга чиқганда ўзи билан олиб юриш урф бўлган. Албата бир марта ишлатиладиган таёқчалардан фарқли равишда уларни маҳсус идишларда олиб юрадилар. Бу амалиётнинг жорий қилиниши ресторан ва кафеларда бир марта талик ишлатиладиган таёқчаларнинг истеъмолини камайтиришга олиб келади. Олиб борилган дарснинг асосий амалий аҳамияти, тарбиявий жиҳати ҳақида гапирав эканмиз, биз ҳар биримиз атроф муҳитни сақлаш, озодаликни сақлаш, чиқиндиларни камайтириш каби масалаларда «Мен ўзим нима қила оламан?» деган саволга жавоб топиш орқали намоён бўлади деб ўйлаймиз. Талабалар орасида ўз термос сув идишини олиб келганлар бор эди. Ўзи билан бу каби сув идишларини олиб юриш пластик идишлар истеъмолини камайтириши ва албатта бу турдаги чиқинлининг камайишига ҳам хизмат қилиши мумкин. Дарсдан сўнг талабалар орасида чиқинли ташлашда уларни буклаб, ундаги стаплер учун метал штапелларни ҳам ажратиб ташлаётганини гувоҳи бўлдик. Ва биз бу дарс талабаларнинг чиқинди ташлашдаги муносабати, уларнинг онгига озгина бўлсада таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўриб хурсанд бўлдик.

Сўнгги 20 йил ичида Япония чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлашга катта эътибор қаратса бошлади. Ўйлаймамизки, Ўзбекистонда ҳам тез орада чиқиндиларни саралаб ташлаш ва қайта ишлаш одат тусига киради. Бу амалий машғулотнинг ижобий хусусиятларини сиз билан бўлишмоқчимиз. Булар “фаол ўкув материаллари”дан фойдаланиб талабаларнинг япон тили билимларини юкори даражага кўтариш, Японияга ўқишига борган талабаларнинг ҳам бу каби маданият ва одатларга тез мослашишларига ёрдам бериш кабилар. Ва энг муҳими бу чиқиндиларнинг камайиши ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида чуқурроқ ўйлашга ундаш деган фикрдамиз.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Do you know all 17 SDGs? (United Nations) <https://sdgs.un.org/goals>
2. ZERO WASTE TOWN Kamikatsu(Kamikatsu-cho Town Hall Planning and Environment Division) <https://zwtk.jp/>
3. Garbage and Recycling (City of Yokohama)  
<https://www.city.yokohama.lg.jp/lang/residents/en/garbage/>
4. Resource recycling (AEON CO., Ltd.)  
<https://www.aeon.info/en/sustainability/environment/reuse/>